6 ИЮЛ 1992

Тошкент ҳақиқати

1928 ИЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 102 (10.351).

1992 йил 7 июль сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

МДҲ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

МОСКВА, 6 июль. (ЎзА махсус мухбири Лев Левин). Бугун Внуково-2 аэропортида рус миллий кийимидаги хўшрўй москвалик қизлар Россия пойтахтига ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашувида қатнашиш учун келган Ўзбекистон Республикаси расмий делегациясини нон-туз билан кутиб олдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни учиш майдонида Россия Давлат котиби Геннадий Бурбулис билан МДҲ Бирлашган қуролли кучлари қўмондони авиация маршали Евгений Шапошников кутиб олдилар.

Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, ҳозирги учрашувга ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий алоқаларни тағин ҳам яхшироқ йўлга қўйишга тааллуқли муҳим масалалар киритилганлигини таъкидлаб ўтди. Мустақил Ўзбекистоннинг раҳбари Минскда бошланган ва Тошкентда давом эттирилган самарали иш Москвада муносиб равишда тугалланиши керак, деди. Фақат баҳслашишга берилиб кетмаслик, энг муҳим муаммоларни ҳал этишдан қочмаслик керак, деб таъкидлади И. Каримов. У кун тартибига киритилган масалаларга баҳо бериб, коллектив мудофаа ва коллектив хавфсизлик билан боғлиқ масалаларнинг муҳимлигини таъкидлади. Молдованинг фожиали намунаси сиёсатчилар учун яхши сабоқ бўлиши керак,— деди Ўзбекистон бошлиғи. Бундай вазиятда армиянинг ҳар қандай аралашувига йўл қўйиб бўлмайди.

МДҲ давлатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари қандай? Бу савол кўп журналистларни қизиқтирди. Ислом Каримов бу саволга аниқ жавоб қайтарди: Ўзбекистон ўз келажагини Россиясиз тасаввур эта олмайди. Барча мустақил республикалар ўртасида яқин муносабатларни йўлга қўймоқ керак.

Давлат бошлиқларининг кенгаши КПСС Марказий Комитети ишлар бошқармасига қарашли собиқ «Октябрская» меҳмонхонасида ҳашаматли президент меҳмонхонасида ўтмоқда. Учрашув ташкилотчилари кўрган эҳтиёт чоралари баъзан ҳаддан ошиб кетган. Рухсатномалар хусусидаги чалкашлик, шу туфайли юз берган баҳслар журналистларнинг ҳам, матбуот маркази ходимларининг ҳам асабига тегди.

Яна бир муҳим жиҳати: Москва учрашуви иш тартибига кўра аввалги учрашувларга нисбатан жуда қисқа бўлиши керак. 13 та масалани муҳокама қилиш учун тўрт соат атрофида вақт ажратилган.

Бугун қандай масалалар муҳокама қилинади? Энг муҳимларига тўхталиб ўтаман. Булар мустақил давлатлар ҳамдўстлиги хўжалик судининг ҳуқуқий мақоми, айрим давлатлар миллий валютани жорий этган тақдирда рубль зонаси давлатларининг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ҳуқуқий ворислик комиссиясининг ҳаммани қизиқтирувчи шартномалар, Давлат мулки, Давлат архивлари, собиқ ССР Иттифоқининг олган қарзлари ва берган қарзлари хусусидаги таклифлари масалаларидир. Истиқомат жойларидан кўчириб юборилган халқлар ва кўчириб юборилган майда миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масала биринчи марта жиддий муҳокама қилинади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, муҳокама қилинадиган муаммоларнинг бутун бир мажмуи МДҲ қуролли кучларига бағишланган. Оммавий ахборот воситаларининг ёзишларига қараганда. МДҲ мустақил республикалари ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари давлат бошлиқлари учрашуви арафасида яхши меҳнат қилишди. Буни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов ҳам ЎзА мухбири билан суҳбатда тасдиқлади.

МДҲ бирлашган қуролли кучлари қўмондони авиация маршали Б. Шапошниковнинг фикри бундай:

— МДҲ ташкил топган пайтдан буён ҳарбий масалаларга доир 70 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Лекин Тошкентда имзоланган «Коллектив хавфсизлик тўғрисида»ги шартнома энг жиддий ва пухта ўйланган ҳужжатдир. Ҳозирги пайтда ҳамдўстлик давлатларининг мудофаа соҳасидаги сай-ҳаракатлари теранлашиб ва қўшилиб бораётгани ҳақида дадил гапириш мумкин. Биз миллий хавфсизликни таъминлаш ва қуролли кучлар тузилиши асосларининг барча ҳамдўстлик давлатлари учун муштарак келишиб олинган ёндошувларини ишлаб чиқишимиз зарур.

...Олдинги учрашувлар каби олий даражадаги бу учрашув ҳам матбуотда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки, аслини олганда, ҳозир мустақил давлатлар ҳамдўстлиги пойдевори сифат жиҳатидан янги негизга қурилмоқда. Мустақил давлатлар рҳбарларининг фикрларига қараганда мавжуд ихтилофларга қарамай ҳамжиҳатликка эришилади.

Ҳозирча эса ёпиқ эшиклар ортида МДҲ давлат бошлиқларининг қизғин ишлари бошланди. Мажлисга ҳатто экспертлар ҳам киритилмади.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, концернлар, уюшмалар ва банкларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Мутолов бошқарди.

Мажлисда Туркия Республикаси томонидан ажратилган кредитлардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш чоралари тўғрисидаги ҳамда 1992 йилда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

(Мажлис ҳақидаги ҳисобот газетада эълон қилинади).

(ЎзА).

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июль куни Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везнанни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди. Шундан сўнг икки ўртада дўстона суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари жаҳондаги буюк давлатларнинг бири — Франция Европада, умуман, бутун дунёда тинчлик ва осойишталик учун курашга, Хельсинки битимлари бажарилишига катта ҳисса қўшаётганини, Париж хартиясининг ташаббускори бўлганини айтиб, Президент Ф. Миттераннинг бу борада сарфлаётган куч-ғайратига юксак баҳо берди. Элчи Ўзбекистон халқини, унинг Президентини эришилган истиқлол билан чин дилдан қутлади, француз аҳли, мамлакат Президентининг энг яхши тилакларини топширди.

Суҳбатда мустақиллик йўлида дастлабки қадамларни ташлаётган Ўзбекистон билан Франция ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда фавқулодда ва мухтор элчи Жан Поль Везнан жаноблари, у бошлиқ элчихона муносиб ҳисса қўшади, деб умид билдирилди.

ЎзА мухбири Жан Поль Везнан билан суҳбатлашди:

— Мени Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилганидан ғоят миннатдорман,— деди элчи.— Тошкентга келиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, мустақилликка эришган ўзбек халқи мавжуд қийинчиликларга қарамай, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қиляпти, ўз юртида тинчлик, осойишталик бўлишига интиляпти. Ўтмиш маданияти бой, улкан қадриятлари бўлган ўзбеклар француз маданиятини яхши билар ва қадрлашар экан. Кўп кишилар бизнинг тилимизни севиб, иштиёқ билан ўрганишаётганининг гувоҳи бўлдим.

Шу кунларда ватанимиз Францияда «Самарқанднинг жозибадор тўшалари» кўргазмаси катта муваффақият билан намойиш этилмоқда. Французлар ўзбек халқининг бой маданияти билан қизиқиб танишмоқдалар. Ўйлайманки, бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Бу эса бир-биримизни яхшироқ билиб олишга, пафақат маданий соҳада, айни вақтда бошқа жабҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади.

Серқуёш Ўзбекистон халқига, унинг раҳбариятига энг эзгу тилакларимни йўллайман, уларнинг мустақиллиқни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига ривож тилайман.

(ЎзА).

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАН-ПОЛЬ ВЕЗНАН

1946 йил 23 январда туғилган, филология фанлари доктори, маъмурият миллий мактабини битирган.

Ташқи ишлар вазирлигида 1977 йилдан бери ишлайди.

1977—1979 йилларда — Франциянинг Москвадаги элчихонаси иккинчи, сўнгра эса биринчи котиби.

1980—1982 йилларда — Франция Ташқи ишлар вазирлиги Европа бошқармасининг ходими.

1982 йилдан 1986 йилгача — Франциянинг Квебекдаги (Канада) Бош консулхонасининг маданият бўйича маслаҳатчиси.

1986—1991 йилларда — Франциянинг Абижандаги (Кот-Дъивуар республикаси) элчихонаси биринчи маслаҳатчиси.

1991 йил январидан Ўзбекистондаги элчи этиб тайинлангунга қадар Франция Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия ваколатхонасининг инспектори бўлиб ишлади.

Уйланган, учта фарзанди бор.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

«Тошкент—Интурист» акционерлик жамияти маданий-ахборот маркази ўнлаб ўзбекистонлик ва хорижий фирма вакилларининг танишув жойи бўлди. Бу ерда улар учун ўзига хос кеча ташкил қилинган. Бизнесменлар билан учрашувга мусиқачилар, машҳур артистлар келишди. Дастурга «Ўзбекистон юлдузлари» камер оркестрининг, халқ ижоди раққослик дасталарининг, республика модалар уйи модалар театрининг чиқишлари киритилган. Марказ бизнесменларни иш юзасидан ўнлаб касбдошлари билан таништиришга катта имкон берди. Учрашув қатнашчиларининг фикрича, республика фирмалари билан хорижий компаниялларнинг ҳамкорлиги ҳақида тузиладиган шартномалар мулоқот якуни бўлади.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ

«ҚОРА ДЕНГИЗ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МИНТАҚАСИ: ТУРКИЯ ВА ЎРТА ОСИЕ РЕСПУБЛИКАЛАРИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАБ ИСТАНБУЛДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИНИНГ 30 ИЮНДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН

НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Давлатлар ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мазкур учрашувга таклиф этганингиз учун ва унинг муҳтарам қатнашчилари ҳузурида маъруза қилиш имконияти берилгани учун самимий ташаккур билдираман.

Ўзбекистон Республикаси ёш мустақил давлатдир. У дунёни янгидан кашф этмоқда ва айни вақтда дунёга ўзини ҳам танитмоқда.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида ҳозиргача 110 дан кўпроқ давлат тан олди.

Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияларининг Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезияга ташрифлари, АҚШ, Швейцария, Покистон, Эрон, Финляндия раҳбарлари билан олий даражадаги мулоқотлар Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан мустақил муносабат ўрнатиш йўлидаги муҳим босқичлар бўлди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг тараққиётнинг қайси йўлидан бориши кераклиги муаммоси кўндаланг бўлгани табиий эди, албатта. Биз бу саволга аниқ ва лўнда жавоб бердик. Ўзбекистон жамият тараққиётининг маърифатли ва дунёвий ғояларга асосланган йўлидан боради. Ўлкамиз ғарб ва шарқ мамлакатларининг бой тажрибасидан ҳар томонлама баҳраманд бўлиб, ўз йўлини топиб олади.

Тажриба ўрганиш масаласига келсак, жаҳондаги давлатлар ўртасида Туркия биринчи бўлиб бизга дўстлик қўлини узатганини самимий миннатдорлик ва ташаккур туйғуси билан таъкидлаб ўтишни бурчим деб биламан.

Ҳозир биз янги жамият барпо этиш йўлидан боряпмиз.

Жамиятимиз ва ёш давлатимиз турмушининг барча жиҳатларига даҳлдор бўлган ички ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан англаниши ва қўллаб-қувватланишини истардик. Бунда гап Ўзбекистонга бевосита ёрдам бериш тўғрисида эмас, балки, энг аввало, ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни авж олдириш тўғрисида боряпти, албатта. Бу жиҳатдан Туркия билан ҳамкорлигимиз халқаро ҳамкорлик йўлидаги дастлабки қадамдир.

Биз асосан нималарга эътибор беряпмиз?

Биринчидан, Туркиянинг иқтисодиётни ривожлантириш борасида қисқа вақт ичида амалга оширган ижобий тадбирларини зўр қизиқиш билан ўрганиб ва кузатиб боряпмиз.

Иккинчидан, Туркия анъанавий қадриятларни авайлаб асраш билан бир қаторда, дадил ислоҳотчиликни қўллаб, ижтимоий ва техникавий тараққиётнинг энг замонавий ютуқларини ўзлаштиришга қандай эришиш мумкинлигини яққол кўрсатди. Биз учун эса ижтимоий тараққиётга йўналтирилган очиқ, демократик, дунёвий жамиятга ўтишни таъминлаш ғоят муҳимдир.

Ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар йўлидан тез ва дадил қадам ташламоғимиз учун Ўзбекистоннинг қучоғи чет мамлакатларга очиқ бўлиши ва чет мамлакатларнинг ҳам бағри Ўзбекистонга очиқ бўлиши керак.

Биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Ўзбекистон билан ғарб давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий, сиёсий ва ташкилий заминни вужудга келтиришимиз лозим.

Ўзбекистон давлат делегациясининг ўтган йил декабрида Туркияга ташрифи ва муҳтарам С. Демирэл бошчилигидаги Туркия делегациясининг шу йил апрелида Тошкентга ташрифи вақтида имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизда алоҳида муҳитни юзага келтирди.

Савдо-саноат доиралари вакиллари ўртасида бевосита мулоқотлар мунтазамлик касб этди. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, ҳорижий сармоялар ҳаракатининг қонуний доиралари қайтадан идрок этила бошланди. Ўзбекистон парламентининг навбатдаги сессиясида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонун асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Ташқи иқтисодий ҳамкорлик ички ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш ишида ҳам бевосита ёрдам кўрсата олиши ўз-ўзидан аёндир.

Мен мана шу соҳада ўзбек-турк ҳамкорлигини таъкидлаб, қардошларча ёрдами ва мадади учун турк халқига, Туркия раҳбарларига яна бир бор ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистоннинг Туркия ва ғарб билан ҳамкорлигида нималар устивор йўналиш бўлиб қолиши керак?

Биз иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли ва узвий аъзоси бўлиб қолишини, Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмасини, унинг хизмат кўрсатувчи асосий тизимларини жаҳон иқтисодиётининг шартлари ва талабларига мослаштиришни мўлжаллаяпмиз. Бу — асосий ниятларимиздан.

Биз учун, масалан, бозор тармоқлари мажмуини ва аввало банк тизимини вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорлик қилиш ниҳоятда муҳимдир. Бундай банк тизими ҳисоб-китобларни самарали олиб бориш, хорижий сармоядорларга унумли хизмат қилувчи кенг миқёсдаги инвестицияларни рағбатлантиришни таъминлаш имконини беради.

Биз кадр тайёрлашда, айниқса иқтисодчиларни, менежмент, маркетинг, банк ва биржа ишлари бўйича мутахассисларни тайёрлашда ҳам кўмакка муҳтожмиз.

Туркия ҳукумати йигит ва қизларимиздан икки минг нафарини ўқиш учун қабул қилишга тайёр эканини биз мамнуният билан кутиб олдик.

Транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик ҳам биз учун ғоят муҳим ҳисобланади. Халқаро темирйўл тармоғини ривожлантириш ва ундан унумли фойдаланишда, Қора Денгиздаги пароходчилик фаолиятида иштирок этишимиз ташқи дунёни танишимизда устивор йўл бўлади.

Халқаро алоқа ва ахборот тизимларига боғланиш ҳам иқтисодиётимизни ривожлантириш учун ҳаётий муҳим ишдир. Ўзбекистон ахборот учун очиқ жамият бўлади ва биз бу масалада ёрдам берилишига умид қиламиз.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон билан ташқи дунё ҳамкорлиги, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришимиз равнақ топиш ва гуллаб-яшнашнинг муҳим гарови бўлиб, биз ана шу юксак мақсад рўёбга чиқиши учун мумкин қадар кўпроқ куч-ғайрат сарфлаймиз.

Биз шуни мамнуният билан қайд этамизки, ушбу анжуман қатнашчилари билан, турли мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари билан учрашув ва суҳбатларнинг мазмуни кўрсатиб турганидек, ўзаро манфаатли мулоқотларда ишончли шерик бўлиб қолишдек муддаомизга жавобан ижобий муносабатда бўлинмоқда.

Ўзбекистон — қадимий ўлка, унда яшаган алломалар дунё маърифатига салмоқли ҳисса қўшган, бир вақтлар «буюк ипак йўли» шу заминдан ўтган. Бу йўл турли қитъа халқларини, маданиятлар, динларни бир-бири билан боғлаган, халқларнинг маънавий турмуши гуллаб-яшнашини таъминлаган.

Ана шу анъаналарни давом эттириш учун Ўзбекистон халқи куч-ғайратини аямайди.

Ўзбекистон—жанубий Корея: амалий ҳамкорлик

КИМ У ДЖУН: ИСТИҚБОЛИНГИЗГА ИШОНАМАН

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Жанубий Кореяда бўлганида жаҳонда машҳур «ДЕУ» корпорациясига ҳам ташриф буюрган эди. Ўша ерда бу корпорация билан ҳамкорликда Андижонда автомашиналар ишлаб чиқаришга келишиб олинган эди.

Шу келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикасига келган «ДЕУ» корпорациясининг президенти Ким У Джун 3 июль куни Ислом Каримов билан биргаликда Андижонда бўлди. Вилоятнинг Асака шаҳридаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали негизида ушбу корпорация билан биргаликда қўшма корхона ташкил этиш режалари муҳокама этилди. Бу корхонада лойиҳа қувватига кўра 60 мингта енгил автомашина, 80 мингта микроавтобус, 40 мингта кичик ҳажмдаги юк ташувчи автомашиналар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Ўтган шанба куни Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев «ДЕУ» корпорациясининг президенти Ким У Джунни Юқори Чирчиқ районининг «Дўстлик» жамоа хўжалигида қабул қилди. Жамоа хўжалигининг вакиллари Жанубий кореялик меҳмонни иззат-икром билан кутиб олдилар. Унга нон-туз тақдим этилди. Миллий либосдаги ўзбек ва корейс йигит-қизлари Ким У Джун жаноблари ва унинг рафиқасига гуллар тақдим этдилар.

Бир пиёла чой устида дилкаш суҳбат бўлиб ўтди. «Син-Сен» корейс театр студияси «Жемчужина» дастаси, вилоят бадиий ҳаваскорлари ўз санъатларини намойиш этдилар. Бу дўстлик концертида жанубий кореялик артистлар ҳам иштирок этишди.

«ДЕУ» корпорациясининг президенти доктор Ким У Джун мухбиримиз билан суҳбатда шундай деди:

— Жаноб Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси таркибида бўлган Тошкент вилояти ҳокими жаноб Сайфулла Сайдалиев корпорациямизда бўлганида мени албатта вилоятга боришга таклиф этган эди. Чунки бу ерда корейс миллатига мансуб кишилар анчагина экан. Бугун мен ўз кўзим билан улар республикангизнинг бошқа халқлари каби яхши яшаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Улар миллатимизга хос меҳнатсеварликлари билан юртингизда катта ҳурмат қозонишибди. Буни президентингиз ҳам бир неча бор такрорлаган эди.

Бизнинг корпорациямиз тўғрисида икки оғиз сўз: «ДЕУ» бундан ўттиз йил муқаддам 10 минг доллар сармоя билан ташкил этилган. Ҳозирги пайтда корпорациямиз йилига 22 миллиард доллар даромад қилади. У 20 та компанияни уюштирган. «ДЕУ» корпорациясининг турли мамлакатлардаги корхоналарида 80 мингга яқин киши ишлайди. «ДЕУ» жаҳондаги энг йирик саноат корхоналари орасида 45-ўринни эгаллайди. Биз йирик корхоналар, йўллар, гидротехника иншоотлари қуриш билан, оғир ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ билан шуғулланамиз.

Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга катта умид боғлаяпмиз. Бу ерда чет эл сармоядорлари учун анча қулай шарт-шароит яратилган. Республикангиздаги иноқлик ва тотувлик вазияти ишбилармонларни ўзига тортяпти. Умуман, мен Ўзбекистоннинг истиқболига ишонаман. Сизнинг меҳнатсевар халқингиз, бой табиий имкониятларингизга таяниб, республикангизнинг гуллаб-яшнаши, унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига шак-шубҳа йўқ.

«Дўстлик» жамоа хўжалигида жаноб Ким У Джун билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов иштирок этди.

А. НОСИРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШАХМАТ БЎЙИЧА ТЕРМА КОМАНДАСИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Спортда юксак натижаларга эришганлиги, республикада шахматни ривожлантиришдаги хизматлари, Манила шаҳрида (Филиппин) ўтказилган XXX жаҳон шахмат олимпиадасида 2-ўринни қўлга киритганлиги, жамоат турмушида фаол иштирок этганлиги учун қуйидагилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Аббосов Хислат Солиҳович — спорт ўйинлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг директори,

Загребельний Сергей Николаевич — «Динамо» жамияти Тошкент вилоят кенгашининг шахмат бўйича тренер-ўқитувчиси.

Эркабоев Аҳмаджон — Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси.

Ицков Рема Исаевич — Ўзбекистон Республикаси давлат спорт комитети бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Логинов Валерий Александрович — спорт ўйинлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг шахмат бўйича тренер-ўқитувчиси.

Ненашев Александр Юрьевич — Туркистон ҳарбий округи армияси II спорт клубининг прапоршчиги.

Пинчук Сергей Тимофеевич — спорт ўйинлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг шахмат бўйича катта тренери.

Салтаев Михаил Михайлович — Чирчиқ шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юртининг шахмат бўйича тренери.

Серпер Григорий Юрьевич — касаба уюшмаларининг «Ўзбекистон» физкультура-спорт жамияти марказий кенгаши тренер-ўқитувчиси.

Йўлдошев Сайдали Ориповича — Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича тренери.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 июль.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасида XXX жаҳон шахмат олимпиадасида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган шахматчиларимизни табриклаш маросими бўлиб ўтди. Суратда: Ўзбекистон командаси аъзолари республика давлат спорт қўмитаси раҳбарияти даврасида.

В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзА) сурати.

ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

Тошкент вилояти хўжаликларида ғўза гуллай бошлади. Мутахассислар айрим далаларда ҳар туп ниҳолда ҳозирнинг ўзидаёқ 8—9 тадан шона, 4—5 тадан гул борлигини айтишмоқда.

Пойтахт вилоятида бу йил 121 минг гектардан кўпроқ ерга чигит экилди. Меъёридан ортиқча ёғингарчилик — сел ва дўл уруғнинг тез униб чиқишига тўсқинлик қилди. Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка районларида ёққан жала 30 минг гектар майдондаги ниҳолларга шикаст етказди. Уюшқоқлик билан қилинган меҳнат туфайли қайта экилган пайкалларда ҳам ниҳоллар баравж ўса бошлади.

— Ғўзанинг ривожи ўтган йилдагидан 15—20 кун орқада,— дейди вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси бош мутахассиси З. Маҳсумов.— Аммо биз йиллар давомида синовдан ўтган илғор агротехникага таянаяпмиз. Айрим жойларда шароитга қараб ғўза қатор оралари 4 марта юмшатилди, 2 марта озиқлантирилди. Қатқалоқ босган ерлар кетмон ёрдамида ишланди. Чигит қайта экилган пайкаллардаги ниҳолларга шарбат суви берилиб, чириган гўнг сепилмоқда.

Ҳосил тугунчаларининг мўл бўлиши энди кўпроқ сувчига боғлиқ. Ғўзани тунда суғоришга катта аҳамият бериляпти. Вилоятда Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон районлари миробларининг тажрибаси кенг ёйилмоқда.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

• *Бизнинг суҳбат*

«ИШЧИ ЎЗ ЖОЙИДА ХЎЖАЙИН»

БОЗОР иқтисоднётига ўтиш жараёни мураккаб кечаётгани кўпчиликка аён. Ҳар бир корхона бу жараёнга ўз имконияти даражасида ёндошмоқда. Оҳангарон шифер заводи яқинда «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасидан ажралиб чиқди. Корхона директори У. ИРИСҚУЛОВ билан суҳбатимиз заводнинг муаммолари, истиқболи ва режалари хусусида бўлди.

— Урайим Ирисқулович, шифер заводи бирлашмадан нима сабабдан ажралиб чиқди?

— Бозор иқтисоднёти ҳамма жойда аниқ ҳисоб-китобни талаб қилмоқда. Бирлашмадалигимизда ҳамма нарса ўртада эди. Кимнинг топаётган пули, фойдаси қаёққа кетаётганини билмасдик, ўйлайманки, ҳаммаси аста-секин жойига тушади. Дастлабки ойдаёқ корхонамиз 43 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бизнинг ҳисобимизга 18 миллион сўм пул тушди. Демак, энди шунга қараб иш юритамиз.

— Ҳали ҳал бўлмаган муаммолар ҳам бўлса керак?

— Нимасини айтасиз. Ташкилий ишлар амалга оширилаётган маҳалда ҳамма вақт қийин бўлган. Бирлашма билан олди-бердиларимиз охирига етганча йўқ. Қозонхона цехи тўлиқ бизга ўтиши керак. Темир йўл транспорти тармоғи бир ёқлама ишлаяпти — вагонлар бизга энг охирги навбатда берилаяпти. Бошқа транспорт воситалари ҳам. Бензин, солярка таъминотида ҳам шу аҳвол. Лекин бу нарсалар ижобий ҳал этилишига ишонаман.

— Шиферининг нархи ҳаддан ташқари қимматлашиб кетмадимикан?

— Ҳа, қиммат. Савдога бир дона шифер 50 сўмдан, ташкилотларга 70 сўмдан чиқарилмоқда. Бунга бизни шароит мажбур қилмоқда. Чунки, цемент нархи бир неча баробар ошди. Шифер тайёрлашда ишлатиладиган технологик сутнонинг нархи 500 сўмдан 27 минг сўмга кўтарилди. Хуллас, ҳамма нарсанинг нархи кўтарилиб кетдики, бу бизни маҳсулотимиз нархини оширишга мажбур этди. Бозор иқтисоднёти шароитида бошқа иложимиз ҳам йўқ. Шундай бўлсада, биз маҳсулот нархини арзонлаштиришнинг ҳамма йўлларини излаяпмиз.

— Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона ўз ишчи-хизматчиларининг иқтисодий муҳофазасини таъминлаши керак.

— Бусиз мумкин эмас. Бизда ҳар бир ишчи ўз иш жойининг ҳақиқий эгаси, ҳар ким ўз меҳнати маҳсулидан моддий манфаатдор. Худди шу нарса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, айни пайтда ишчи даромадининг ортишига олиб келмоқда. Ўртача иш ҳақи ҳозир 2200 сўмни ташкил этмоқда. Олди ишчиларимиз 4—5 минг сўмдан маош олишяпти. Бундан ташқари, ҳар бир ишчи-хизматчига кунига 13 сўмлик текин овқат берилаяпти. Ҳар ҳафтада бартер эвазига олинган килограмми 18—20 сўмдан гўшт, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар арзон нархда сотилаяпти. Бу йил ишчи-хизматчиларимиз учун шаҳарнинг 50-даҳасида 48 хонадонли турар-жой биносини қурамиз. Бу бизга 7 миллион сўмга тушади. Соғломлаштириш комплекси, чўмилиш ҳавзаси ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриш ниятимиз бор. Айни чоғда шаҳар ободончилиги учун имкониятимиз даражасида ёрдам берамиз. Бу йил шаҳарга буюм айирбошлаш учун 100 минг дона шифер ажратдик.

— Ҳозирги мушкул пайтда ишлаб чиқариш меъёрини сақлаб қола оласизларми?

— Аксинча, биз уни янада кўпайтириш йўлларини ўйлаяпмиз. Йил охиригача 215—220 миллион шартли дона шифер тайёрлаш имкониятимиз бор. Ў. Марасулов, В. Смирнов, А. Жогелев, П. Панов, В. Кудрявцев, А. Ғойназаров сингари кўплаб моҳир ишчилар, етук мутахассислар жамоамиз сафида бўлар экан ҳаркандай мураккаб вазифаларни ҳам муваффақиятли уддалай оламиз. Улар доим ҳалол ва астойдил ишлашади. Маҳсулотни кўпайтирмасдан, унинг таннархини камайтирмасдан бозорни арзонлаштириш қийин масала.

— Шаҳримиздаги етакчи корхоналардан бирининг раҳбари сифатида жумҳуриятимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий-сиёсий йўлга қандай қарайсиз?

— Жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукуматимиз ҳозирги мураккаб шароитда жуда тўғри ва изчил сиёсат олиб боришяпти, деб ҳисоблайман. Жаҳоннинг турли давлатлари бизга йўл очмоқда. Ҳозир тўла маънода янгиланиш, инқилоб давом этяпти. Бу сиёсат фақат яхшилик ва фаровон турмуш олиб келиши аён бўлиб қолди. У ўз самарасини кўрсатади. Бу сиёсатни қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг виждоний ишимиздир. Янгичасига ишлаб, янгичасига яшашга тезроқ ўрганишимиз керак. Ишбилармонлик, уддабуронлик, ўқиш-ўрганиш, изланиш каби шу куннинг талабларига амал қилиш ҳар биримиз учун фарз бўлиши керак.

Суҳбатдош
Н. АБДУРАСУЛОВ.

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ ДОВРУҒИ

Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг ҳисоблаш маркази йирик илмий-тадқиқот маркази сифатида кенг жамоатчиликка яхши танилиб қолди. Бу нуфузли илмий даргоҳнинг довруғини ёйишда унинг етакчи мутахассисларининг хизмати катта бўлмоқда.

Кўзга кўринган фан арбоби, профессор Н. Мўминов ҳам «ақл»ли машиналар фаоллигини такомиллаштириш йўлида жиддий илмий изланишлар олиб бориб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бундай самарали тадқиқотлари учун атоқли олим Халқаро муҳандислик академиясига академик этиб сайланди. У Ўзбекистон муҳандислик академиясининг вице-президенти сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Йирик олим ҳаётида яқинда яна бир муҳим воқеа юз берди. Профессор Украина технология фанлари академияси эътиборига тушиб, шу фан марказига хорижий аъзо сифатида якдиллик билан қабул қилинди. Шу муносабат билан ўзбек олими номига Киев шаҳридан ушбу академия президентининг табрик мактуби олинди.

А. АЛИЕВ.

• *Пахтакор хўжаликларда*

ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

КЕЙИНГИ йилларда Бўка районидаги «Кремль» давлат хўжалиги кўпгина тармоқлар бўйича йиллик режаларини бажаролмай, қолоқ бўлиб қолганди. Бунга кўп жиҳатдан меҳнатни ташкил этишдаги ўзи бўлмаслик, энг муҳими эса ишчилар ўртасидаги тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганлиги сабаб бўлаётганди. Айниқса, пахтачиликдаги аҳвол ташвишли бўлиб қолганди. Деҳқонлар ҳайрон бўлишар ва алам билан сўзлар эдилар. Тўғри-да, эрта баҳордан тер тўкиб меҳнат қилинади, пахта етиштирилади. Бироқ, ҳосилнинг бир қисми терилмай, далада қолиб кетади. Айрим карталарда ҳосилни моллар пайҳон қилиб юрганини кўриб, ачиниб кетасан, киши. Наҳотки, шу умидда ҳосил етиштирилганмиди? Ишчи кучи шунчалик камми? Бор одамларни уюштириб, уларни ишга сафарбар этиш мушкул бўлиб қолдими?

Бундай саволлар кўпайгандан кўпайиб борарди.

Ҳаёт кун тартибига хўжалик раҳбарини алмаштиришни кўндаланг қилиб қўйди. Зотан, кўп ишлар раҳбарнинг елиб-югуриши, ҳатти-ҳаракати, одамларга бўлган муомаласию, уларнинг қалбига йўл топишига боғлиқ бўлиб қолганлиги сир эмас-да! Лекин директорликка номзодлар кўпайиб кетди. Хўжаликда турли миллат вакиллари меҳнат қилишарди. Ҳар ким ҳам раҳбар ўзимиздан чиқса, деган хаёлда бўлади-да! Шунинг учунми раҳбар танлаш ва сайлашда одамлар гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетишди. Масала анча жиддийлашди. Шунинг учун ҳам вилоят катталарига мурожаат этишга тўғри келди.

Вилоят раҳбарларидан бири келди. Номзодларни бирма-бир кўриб чиқди, уларнинг ҳар бирининг ҳаёти, таржимаи ҳоли билан жиддий танишди.

Йиғилиш бошланди. У район раҳбарлари томонидан тавсия этилган номзодларга ҳам бирма-бир тўхталди.

— Менинг фикримча, — деди у. — илгари шу ерда бошланғич партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлаган, кейин эса район халқ назорати қўмитасида бекаму-кўст фаолият кўрсатган Деҳқонбой Султоновни директор қилиб сайласанглар ютқазмайсизлар. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолипти. Ишчилар тарқоқ бўлиб кетишган, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш юритадиган бўлиб қолинибди. Бу аҳволда ҳар ким ҳам хўжаликни тортиб кетолмайди. Тағин ўзларингиз биласизлар, Деҳқонбой билишимча, камтар, уддабурро, одамлар билан ишлай биладиган йигит. У, албатта, ишини эплаб кета олади.

Кўпчиликка вилоят каттасининг фикри маъқул бўлди. Деҳқонбой Султонов якдиллик билан директорликка сайланди.

У озми-кўпми хўжаликда меҳнат қилганлиги учун фаолларни, кўпгина тажрибакор деҳқонларни, мутахассисларни яхши биларди. Ким нимага лаёқатли, кимнинг қандай камчилиги бор, қандай қилса ишлар юришиб кетиши мумкин, озми-кўпми бу ҳақда тасаввурга эга эди. Шунинг учун ҳам ишни шу ерлик фаолларга суяниб олиб борди. Дастлабки йил якуни баракали бўлди. Йиллик пахта тайёрлаш режаси ўндаланиб, бошқа тармоқларда ҳам қувончли натижаларга эришилди. Режадаги 10 миллион 906 минг сўм ўрнига 12 миллион 72 минг сўм даромад қилинди.

Бу йил деҳқонлар 1700 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш учун ғўза парваришини авж олдирмоқдалар. Совхоз ерлари қир-адирликлар, шўрхок майдонлардан иборат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич анча юқори ҳисобланади. Ғўза парваришида Мирзамурод Холмуродов бошлиқ 2-бўлим пахтакорлари етакчилик қилмоқдалар. Ҳар гектар майдонда 90—100 минг туп кўчат сақлаб қолинди. Ўрозгул Букирова, Абдуҳамид Мирзаев, Юнусхон Валиев, Абдурашид Жабборов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда табиий офат келтирган зиённинг ўрнини қоплаш учун, айниқса, катта ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Ғўзани бегона ўт босиб кетишига йўл қўйилмади. Экин вақтида озиқлантирилди. Культивация сифатли ўтказилди. Айни кунларда чилла сувига қондирилмоқда.

— Бу йил ғўза ривожи мўлжалдагидан ўн беш-йигирма кун орқада. Ана шу қолоқликни тугатиш учун сувчи ва механизаторларимиз жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар, — дейди Деҳқонбой Султонов. — Деҳқонларимизнинг ғайратшижоати туфайли ғўзалар шоналаб, ҳосилга кира бошлади.

Совхоз пахтазорларини айланар эканмиз, ҳар бир деҳқон, сувчи, механизатор бир-бири билан ҳамкор, бамаслаҳат меҳнат қилиб, пахтадан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун кучғайратларини аямаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Саидазим ШАРОФХОНОВ.

● ҚИРҚ нафар ёшлар бир йиллик «агро—бизнес» Республика институтини тугалладилар. Улар инглиз тилига мослаштирилган компьютер дастури курсини ҳам битиришди.

СУРАТДА: институт ректори, профессор Р. Турсунов битирувчиларни табрикламоқда.

Суратчи А. МАЛЬЦЕВ.

• *Маҳалла қўмиталари фаолиятидан*

КАТТА ОИЛАНИНГ КАТТА РЕЖАЛАРИ

Бекобод шаҳридаги «Пионер» маҳалласи энг йирик, обод маҳаллалардан. Бугунги кунда бу ерда 1300 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ташкил этилганига кўп бўлмаганлигига қарамай, шунча аҳолининг тинч-тотувлигини таъминлаш, улар фаровонлиги ва турмуш маданиятини ошириш борасида бу жойда анчагина ишлар қилинди. Уларнинг ҳаммасида маҳалла қўмитаси раиси, эл-юрт ташвиши билан яшовчи Маъруф ака Ражабов бош-қош, албатта. Бугунги бозор иқтисодиёти даврида аҳоли ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш учун киши тадбиркор, ташкилотчи бўлиши керак. Маъруф ака эса худди ана шундай тоифадагилардан. Унинг тиниб-тинчимаслиги, ғайрати туфайли ҳам бу маҳалла тез кунда ибратли маҳаллалар сифатида оғизга тушди. Шаҳар маҳаллалари ўртасида Наврўз байрамини намунали ўтказганлиги учун ҳам иккинчи ўринни олдилар ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тўй қилишнинг ўзи бўлмаяпти. Шу боис ҳам маҳалла фаоллари энг асосий эътиборни тўйларни дабдабасиз, ихчам, мазмунли ва эсда қоларли қилиб ўтказилиши учун жон куйдирмоқдалар. Бунинг учун тўй қилувчи маҳалла қўмитасига таклиф қилиниб, тўйни камчиқим ўтказиш борасида маслаҳатлар бермоқдалар. Ортиқ сарф-ҳаражат қилиб, кейин бола-чақасини қийнаб қўймаслигини уқтирмоқдалар. Айниқса, аёллар ўртасидаги «бор товоғим, кел товоғим»ларни меъёр билан ўтказиш зарурлиги тушунтирилмоқда. Оқибатда, тўйларга тоғора кўтариб боришлар, айниқса, маъракаларда, атир совун, сочиқ улашиш каби одатларга барҳам берилди, тўйлар даврга мос чиройли ўтказилмоқда. Бу ишларда албатта, тўй ва бошқа маросимларни ўтказувчи комиссия аъзолари жонбозликлари катта бўлди.

Бу комиссияга Пўлатой Мамажонова, Чинни Жўраева, Раиса Солиева, Муҳаррам Холматова ва Олияхон Назруллаева сингари тажрибали хотин-қизлар аъзо. Шунингдек, Нортожи опа Эрматова бош бўлган хотин-қизлар кенгаши ҳам ўз ишини замон руҳига мос ҳолда олиб бориб, кўпгина хотин-қизлар, уй бекалари оғирини енгил қилмоқдалар.

Хайрли ва ибратли ишлар ҳақида гап кетганда маҳалла фаоллари Зоиржон Ҳакимов, Раимжон Абдураимов, Мирзаёдгор Усмонов, Ўлмас Солиев ва бошқаларнинг ҳам номларини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

— Маҳалла аҳли фаровонлиги йўлида яна бир қатор ишларни режалаб қўйганмиз,— дейди М. Ражабов.— Хусусан, маҳалла чойхонаси ёнида идора ва новвойхона қурмоқчимиз. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр, қурилиш ташкилотлари билан шартнома ҳам тузилди. Эрти-индин қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Мустақиллик шарофати билан тилимиз, динимиз қайтиб келди. Биз бундан беҳад мамнунмиз. Афсуски, маҳалламиздаги мавжуд ўндан ортиқ кўча ва боши берк кўчаларнинг биронтасининг номи ҳам ўзбекча эмаслиги бизни ранжитади. Яқинда бу масалани муҳокама этиб, эл-юрт учун меҳнати сингган, улар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган кишилар номини ана шу кўчаларга бериб, абадийлаштиришни лозим деб топдик. Жумладан, Пархоменко кўчасига Эшонов, Рабочая, Карьерная кўчаларига Охунов номини бериш тавсия этилди. Бу ҳақда шаҳар атамалар қўмитасига маълум қилинди. Ўйлаймизки, масъул ўртоқлар бизнинг бу талабимизни маъқуллайдилар, ижобий қарор чиқариб берадилар.

Ҳа, маҳаллада ана шундай ибратли ишлар талайгина. Энг муҳими маҳалла тинч, одамлар кайфияти яхши. Бундан билиш мумкинки, маҳалла қўмитаси ва унинг фаоллари ўз вазифаларини жонкуярлик ва ҳалоллик билан адо этмоқдалар.

А. ҲАМЗАЕВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИШОНЧИ КОМИЛ

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари президенти Ж. Буш яқинда сўзга чиқиб, ҳужум стратегик қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги шартнома АҚШ конгрессида ташқи ишлар қўмитаси томонидан овозлар саналмасдан туриб маъқулланади, деб ишонч билдирди. Маълумки, тилга олинган шартномада Америка ва собиқ Совет аслаҳаханаларида сақланаётган ҳужум стратегик қуролларини тахминан 35 фоиз қисқартириш кўзда тутилган эди. Бу қуроллар ҳозирги пайтда Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистон ҳудудларида сақланмоқда.

ПОЛЬШАДА ҲУКУМАТ ИНҚИРОЗИ

● ПОЛЬША президенти Лех Валенса яқинда Вальдемар Павлякка бош вазирлик васиқасини топшириб, янги ҳукумат тузиш вазифасини унинг зиммасига юклаган эди. Аммо, Польша тарихида энг ёш ҳисобланган бу сиёсий арбоб вазирлар маҳкамасини шакллантира олмай, истеъфога чиқиш тўғрисида қарорга келди.

Гап шундаки, Польша парламентидаги турли хил сиёсий оқимлар В. Павлякка ишонч билдирмадилар. Шарҳчиларнинг шарҳларига қараганда, собиқ бош вазир Я. Ольшевский тарафдорларининг қаттиқ қаршилик кўрсатишлари натижасида В. Павляк ўз вазифасини муваффақиятли адо эта олмади. Натижада В. Павляккина эмас, уни тавсия этган президент Л. Валенса ҳам муваффақиятсизликка учради, деб ҳисобланмоқда. «Жича Варшави» газетасининг таҳлилчисига қараганда, Павляк Польшанинг «сиёсий саҳнасини» ўзгартириб юборди. Ҳозир жуда ғалати вазият юзага келди. Польша конституциясига асосланиб президент В. Павляк истеъфосини қабул қилмади. Музокаралар давом этмоқда. В. Павляк «кучли учлик»нинг вакиллари билан қайта учрашувлар ўтказа бошлади. Бу саъи-ҳаракатлар янги ҳукумат тузишга уринишмикин? Бу савол ва яқин кунлар ичида жавоб чиқиб қолса, ажаб эмас.

ЖАЗОИРНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

● ЎТГАН душанба куни Жазоир Олий Давлат Қўмитаси раиси Муҳаммад Будиаф отиб ўлдирилгандан сўнг мамлакатда жуда қалтис вазият вужудга келди. Оммавий ахборот воситалари фуқаролар уруши бошланиб кетиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас, деб ташвиш билдирдилар.

Ниҳоят, бундай вазнсизлик ҳолатига чек қўйиш мақсадида ўтган пайшанба куни Олий Давлат Қўмитаси раҳбари этиб 64 яшар Али Кафий сайланди.

Али Кафий Олий Давлат Қўмитаси тузилишинг «бешигини тебратган» сиёсий арбоблардан биридир. Олий лавозимга сайланганидан сўнг А. Кафий телевидение орқали сўзга чиқиб, ўн дақиқа маъруза қилди. У ўз сўзида сиёсий инқироздан чиқиш, ишсизлик даражасини 25 фоиз қисқартириш, шунингдек, мамлакат ичкарисида хавфсизликни тиклаш каби масалалар хусусида тўхталди.

Шу орада «Насъон» газетаси М. Будиаф қотили қўлга тушганлигини хабар қилди. Қотил мамлакатнинг шарқий худудларидан чиққан, 26 яшар ҳарбий киши бўлиб, унинг исми Бумаараф экан. Дастлабки маълумотларга қараганда, у Олий Давлат Қўмитаси раисини диний эътиқоддан келиб чиқиб, ўлдирган эмиш.

АФҒОНИСТОНДА НИМА ГАП?

● ШУ КУНЛАРДА Афғонистон пойтахти Кобулда тартибсизлик ва бошбошдоқлик ҳукм сурмоқда, дейиш мумкин. Чунки, бир-бирига қарши турган турли майда гуруҳлар орасидаги қуролли тўқнашувларга чек қўйиб бўлмаётир.

Афғонистон Ислом Давлати янги раҳбари Бурҳониддин Раббоний сўзга чиқиб, афғон халқи олдида турган асосий вазифа — мамлакатни қайта тиклаш эканлигини уқтирди. Халқаро муносабатларда Кобул, энг аввало, ислом давлатлари — Покистон ва Эрон билан бўладиган муносабатларга асосий эътибор қаратади, деди янги раҳбар. Б. Раббоний мурожаатида АҚШ билан бўладиган муносабатларга ҳам ижобий баҳо берилди. Шунингдек, «коммунистик ғоялар» асоратида бўлган собиқ СССРнинг Ўрта Осиёдаги республикалари — Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон билан истиқболда яхши қўшничилик ришталари ўрнатилади, деб ишонч билдирди Б. Раббоний.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

МАКТАБ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Тарихчи олим, доцент Қ. Эргашев илмий изланишлари натижасида «Мактаб қайта қуриш йўлида» деб аталган йирик монографияни яратди. Унда муаллиф умумтаълим мактаблари ривожланиш тарихини атрофлича таҳлил этган. Бой материаллар, архив ҳужжатлари асосида ёзилган мазкур нуфузли илмий ишда мактаб таълимининг бугунги қатор жиддий муаммолари хусусида ҳам сўз юритилган. Китоб «Фан» нашриётида чоп этилди.

С. ОДИЛОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА КЕЛГАН ЖАВОБЛАРДАН

«БАРЧАГА БАРОБАР ЭМАСМИ?»

АЗИЗ МУШТАРИЛАР!

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 21 апрель сонида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун ижросидаги лоқайдликлар ҳақида юқоридаги сарлавҳа билан танқидий мақола чоп этгандик. Мазкур мақола юзасидан тегишли ташкилотлар ўз жавобларини йўллагаилар. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ишлар бошқарувчисининг ўринбосари В. Голомазов имзо чеккан жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

«... Барчага баробар эмасми?» мақоласи ва фотосурат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси биноси томида ўрнатилган «Труд» газетасининг кечки рекламаси... Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилиниб, олдириб ташланди».

Мазкур мақола юзасидан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи З. Насриддинов имзоси билан олинган жавоб қуйидагича (қисқартириб берилмоқда):

«Тошкент шаҳар Ҳокимлигининг Адлия бошқармаси «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида чоп этилган «Барчага баробар эмасми?» сарлавҳали мақолани ўз ҳайъатининг йиғилишида кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунининг бажарилиши юзасидан Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида муайян ишлар қилинган. Бошқармада бу ишларни назорат этиш учун 1991 йил 16 сентябрда махсус комиссия тузилган ва «Ўзбекистон Республикасида Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мақолада ёритилган Фурқат кўчасидаги «Наврўз» комплексида жойлашган ниқоҳ уйи 1991 йил сентябрь ойида ишга тушган бўлиб, бунинг пешлавҳалари икки тилда ёзиб қўйилган.

Ҳуқуқий маслаҳатхонанинг пешлавҳаси ҳақиқатда бир тил — рус тилида ёзилганлиги мақолада тўғри ёритилган. Бу масалани кўриб чиқишни ва ижобий ҳал қилишни ҳамда рўзномага жавоб беришни Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар адвокатлар раёсатига таклиф киритилди».

Энди Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати Раёсати раиси С. Якубов имзо чеккан жавоб хатидан кўчирмалар келтирамиз:

«Тошкент ҳақиқати»да чоп этилган мақола ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан юборилган хатларни ўрганиб, қуйидагиларни маълум қиламиз: деярли 95 фоиз ҳуқуқий маслаҳатхоналаримиз пештоқидаги лавҳалар ўзбек ва рус тилида ёзилган.

Қолганларига ҳам шу кунларда зўдлик билан пешлавҳаларни ўзбек тилига ўтказиш қатъиян тавсия этилган».

ЮҚОРИДА келтирилган кейнинги икки жавобдаги айрим жумлаларни ўқиб, «Наҳотки, бу матнни ҳуқуқий донрадаги шахслар йўллаган бўлса?» деб ўйланиб қолади, киши. Негаки, бу жавоб хатида пешлавҳалар икки тилда — ўзбек ва рус тилларида ёзиб қўйилганлиги алоҳида таъкидланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасида барча жойлар номи миллий шаклда берилиб, ягона давлат тилида ёзилиши белгилаб қўйилган. Бу эътирозга ҳурматли қонуншуносларимиз нима деб жавоб йўллашар экан?

Дилмурод САИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» маданият бўлими мудири;
Тошкент шаҳар Ҳокимияти ижроия маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг масъул котиби.

Тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари

КЎП МИНГ йиллик тарихимиз жуда кўп сулолаларни бошидан кечирган. Лекин ўзидан жуда катта ёдгорликлар қолдирган ва кўп йиллар ҳукм сурган бу — Темурийлар сулоласидир. Мазкур сулола вакиллари Моваройнаҳр, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Афғонистон ва Ҳиндистонни 468 йил идора қилдилар, бу мамлакат халқлари тарихида сезилараклиз қолдирдилар. Лекин минг афсуски, Темур ва темурийларнинг улкан тарихи бизнинг мамлакатимизда, яъни ҳазрати Соҳибқироннинг ўз она юртида етарли даражада ўрганилмади. Бунинг асосий сабаблари эндиликда ҳаммага аён. Бу — қарийб 130 йилдан бери изчил ўтказиб келинган улуғ давлатчилик сиёсатининг оқибати бўлди. Энг афсусланадиган жиҳати шундаки, ҳозиргача биз Темур ва темурийлар ҳақида қўлга илинадиган биронта китобга эга эмасмиз. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда бу мавзуда кўпгина китоблар ёзилган. Хусусан, номаълум муаллиф томонидан тузилган «Мўъизз ул-ансоб фи шажараи ул-атрок» ана шулар жумласидандир. Бизгача фақат уч нусхада етиб келган бу китобда Чингизхон, Амир Темур ва унинг авлодининг шажараси келтирилган. Улардан бири Истамбулда, иккинчиси Париж миллий кутубхонасида ва учинчиси Британия музейида сақланади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» тадқиқоти Амир Темур ва унинг насли насаби ҳамда авлодлари ҳақида ёзилган муфассал асардир. Бу асар «Мўъизз ул-ансоб» каби шунчаки шажара эмас, балки ҳазрати Соҳибқирон ва унинг авлодларининг қисқача таржиман ҳолини ўз ичига олади, бундан ташқари, унда нафақат тожтахт соҳиби бўлганлар, балки шундай бахтга муяссар бўлолмаган темурийзодалар ҳақида ҳам қисқа, лекин эътиборга молик маълумотлар келтирилади. Ва ниҳоят унда Амир Темур наслидан бўлган аёлларга ҳам анча-мунча ўрин берилган.

Қуйида биз мазкур асардан ўрин олган буюк Соҳибқироннинг вафоти тафсилотлари ва унинг ноёб истеъдодли набираси Халил Султон Мирзо ҳаёти ҳамда ижтимоий фаолиятига оид баъзи бир муштарийларимиз эътиборига ҳавола этамиз.

Турғун ФАЙЗИЕВ

ХАЛИЛ СУЛТОН МИРЗО ИБН МИРОНШОҲ МИРЗО

ХАЛИЛ Султон Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1384 йилда туғилган. Унинг онаси Хонзода бегим (Севин бека) Ўзбекхоннинг набираси бўлиб, хон авлодидан эди. 1373 йилда амир Темур буйруғига биноан, Хонзода бегимни Хоразмдан махсус маофа билан олиб келиниб, Самарқанднинг Конигилида катта тўй-тамошалар билан Жаҳонгир Мирзога никоҳланади. Хонзода бегим Жаҳонгир Мирзодан бир ўғил туғади, исмини Муҳаммад Султон Мирзо деб атайдилар. Бироқ 1376 йилда Жаҳонгир Мирзо вафот этади. Аммо соҳибқирон амир Темур Хонзода бегимни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади. Ўша замон тарихчиларининг берган маълумотига қараганда, амир Темур келини Хонзода бегимни ниҳоят даражада ҳурмат қилган ва унинг раъйига қараган. Зотан, тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Хонзода бегим ўзининг ўткир зеҳни, ақл-фаросати ҳамда тадбиркорлиги билан амир Темурни ҳам ўзига ром этган.

Бинобарин, амир Темур Хонзода бегимни ўзининг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб беради. Бу туркий уруғ ва қабилаларда қадимдан давом этиб келаётган удум, яъни ўлган акасининг бевасини укасига никоҳ қилиш одат тусига кирган эди. Хонзода бегим Мироншоҳдан бир ўғил туғади, исмини Ҳалил Султон Мирзо деб атайдилар. Амир Темурнинг хоҳишига кўра, Ҳалил Султон Мирзо гўдаклигидан бошлаб Сарой Мулк Хоним (Бибихоним) тарбиясига топширилган эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Ҳалил Султон Мирзо жасоратли, қатъиятли, ҳарбий салоҳиятли ва истеъдодли йигит бўлган. Ҳалил Султон Мирзо балоғатга етгач, уни аслзода хонадон қизига уйлантирадилар. Ундан бир ўғил кўради. Аммо кўп ўтмай, Ҳалил Султон Мирзо Самарқанд шаҳрининг қуйи табақасига мансуб бўлган ҳунарманд оиласидан бўлган Шодмулк номли қизни севиб қолади ва ўз замонасининг таомилига зид ўлароқ ушбу қизга уйланади. Албатта, бундай «тенгсиз» никоҳга Темур бошлиқ бутун авлод қарши турадилар. Бироқ Ҳалил Султон Мирзонинг қатъий қарори ғолиб чиқади. Темур аввалида ғазабланган бўлсада, кейинчалик Ҳалил Султон Мирзога бўлган юксак эътиқоди туфайли унинг гуноҳини кечиради.

Ҳалил Султон Мирзо ёшлигидан ақлли, зийрак ва тадбиркор бўлиб етишади. У ҳали 15 ёшидаёқ бобоси Темурнинг Ҳиндистон юришида иштирок этиб, ўзининг ажойиб ҳарбий санъатини намойиш қилади. Бу юришда Темур қўшини Деҳли остонасида Султон Маҳмудхон қўшини билан тўқнашади. Султон Маҳмудхон ўзининг 500 нафар жангари филларини Темур қўшинига қарши жангоҳга ташлайди. Жангари филлар наъра тортиб, олга босиб душман томон интиларкан, йўлларида дуч келган хоҳ отлиқ, хоҳ пиёда, хоҳ туя бўлсин, пора-пора қилиб аёвсиз топтаб, душманни қалъага яқин йўлатмайдилар. Кеч киргач, ҳар икки томон жангоҳдан ўз қароргоҳига қайтишади. Амир Темурнинг қовоғидан қор ёғар, ҳалигача учрамаган жангнинг бундай турига қарши чора излаб топмоқ зарур эди. Ана шундай чорани ёш Ҳалил Султон Мирзо топади ва бобоси Темурнинг розилигини олади. Ўша кечаси 5—6 юз кажава саватга эски-туски латта ва увада пахталар солиб, устидан мой қуйилади. Тонготарда уч юз туяга саватлар ортилиб, ҳар бир туя ёнига қўлида кичик машъала ушлаган бир навкар қўйилади. Тонг отгач, жанговар қўшин саф тортгач, туяларни олдинги сафга тизадилар ва жанг бошланишига мунтазир турадилар. 1398 йил 18 ноябрь эрталаб яна жанг наъралари чалинади. Султон Маҳмудхон яна жангари филларни жангга солади. Филлар душман қўшинига қарши юриши билан туябонлар саватдаги пахталарга ўт бериб, туяларни олга қараб етаклайдилар. Ўз устларида ёнаётган оловни кўрган туялар даҳшатдан бўкириб, олга томон чопа бошлайдилар. Қаршидан келаётган филлар оддий туяни кўп марта кўрган бўлсалар-да, аммо ёниб келаётган туяларни умрларида биринчи кўришлари эди. Бинобарин, филлар кўрқувдан эсларини йўқотиб орқага қараб қочадилар. Улар жон аччигида қочарканлар, уларни тўхтатишга ҳаракат қилган қўшинни топтаб кетадилар. Натижада Султон Маҳмудхон қўшинида пароканда лик вужудга келиб, Темур қўшинлари ғалабага эришади.

Ҳалил Султон Мирзо бобоси амир Темурнинг 1399 — 1404 йилларда ғарбга қилган етти йиллик юришида ҳам фаол қатнашган. 1402 йилда амир Темур Туркистон чегараларида олий қўмондонликни Ҳалил Султон Мирзога топширган эди. Соҳибқирон Темур Ҳалил Султон Мирзодаги жасорат, истеъдод ва ҳарбий салоҳиятга зимдан назар солар ва валиаҳд набираси Муҳаммад Султон Мирзо билан бир қаторда кўрарди. Бинобарин, амир Темур 1404 йил кузида Хитойга қарши юришга отланаркан, катта қўшиннинг ўнг қанотига Ҳалил Султон Мирзони бошлиқ қилиб тайинлайди.

Соҳибқирон амир Темур Хитой сафарига отланиб, Самарқанддан йўлга чиқаркан, катта қўшиннинг ўнг қаноти ҳисобланган йирик ҳарбий бўлинма ҳали Тошкент, Шоҳруҳия ва Сайрамда қишламоқда эди. Мазкур ҳарбий бўлинмага Ҳалил Султон Мирзо ва Аҳмад Мирзо (Умар Шайх Мирзонинг ўғли) бошчилик қилардилар. Қўшиннинг чап қаноти Туркистон ва Саброн шаҳарларида қишламоқда эди. Бу қўшинга Темурнинг Оғабегим номли қизидан туғилган Султон Ҳусайн Мирзо исмли набираси бошчилик қиларди. Марказий қўшин эса Темур раҳбарлигида Оқсулотда турарди.

1404 йил 25-декабрда амир Темур Оқсулотдан йўлга чиқиб, 1405-йил 14-январь чоршанба куни ўтрорга келиб тўхтайди.

1404—1405 йилнинг қиш фасли ўта совуқ келиб, Амударё ва Сирдарёнинг барча ўтиш жойлари муз билан қопланган эди. Гарчи амир Темур қариб қолган бўлсада, йўл машаққатларию ҳамда совуқни писанд қилмас, руҳан тетик ва жисмонан бардамдай кўринарди. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, амир Темур Ўтрорда Олтин Ўрданинг собиқ хони Тўхтамишнинг элчисини қабул қилади ва элчига «Хитой уруши тугагач, Олтин Ўрдага қарши юриш қилиб, тахтни Тўхтамишхонга қайтариб олиб беришга ваъда беради. Аммо кўп ўтмай амир Темурнинг мижозида касаллик вужудга келиб, кундан-кунга аҳволи оғирлашади. Тиб илмининг билимдони малоҳо Фазлулло Табризий бошчилигида бир неча табиблар ҳукмдорнинг касалига хилма-хил муолажалар қилардилар. Аммо ҳасталик кундан-кунга кучайиб борарди.

Амир Темурнинг касалланиш сабаби ҳақида «Темурнома» муаллифининг берган маълумоти диққатга сазовордир. «Соҳибқирон амир Темурнинг ҳузурларига чопар келиб, қалмоқлар бош кўтарибдилар, деб хабар келтирди. Ҳамма жангга отланасин деб буюрдилар. Беклар ва амирлар ҳаво совуқлиги туфайли йўлга чиқмасликни маслаҳат кўрдилар. Ул вақт қишни тўқсони эрди. Амир ғайратларига чидолмай ўрдадан ташқарига чиқдилар. Вақтиким шаъбон ойининг еттиси сешанба куни ўрдани равоқида ўлтириб, сартарошга сочларини олдириб ўлтириб эрдилар, ўшал замон амирга бир боди муҳолиф (ёқимсиз шамол) келиб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлиб, соати ўтмай ранг ва туслари тағйир топди». Машҳур шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд «ҳар ҳолда Темурнинг касали ва ўлимига бевосита сабаб, совуққа қарши баданни бироз иситиш мақсадида меъёридан ортиқ май тановул қилганидир» деган фикрни билдиради. Ҳолбуки, тарихий манбаларнинг берган маълумотига қараганда, Темур майхўрликни ҳеч ким ҳеч ким ўзининг ўткир зеҳни, ақл-фаросати ҳамда ҳушини кўрмаган ва майхўрликка руҳу қилганларни эса ким бўлишидан қатъий назар мансабидан азл қилиб, қоралаган. Шунингдек, кўпгина иссиқ-совуқни бошидан кечирган, етмиш ёшли моҳир саркарда, фақатгина иснинш учун шунчалик кўп май тановул қилганмикан?

Фикримизча, амир Темурнинг касалланиш жараёни анча илгаридан давом этиб келаётган бўлиши керак. 1404 йилнинг кузида амир Темур етти йиллик юришдан қайтиб келгач, Конигилда катта анжуман ўтказади. Бу анжуманда Испания элчиси Рюи Гонзалесь де Клавихо ҳам қатнашади. Клавихонинг маълумотига кўра, Темурнинг чеҳрасида анча ҳорғинликка ўхшаш касаллик аломатлари зоҳиран кўриниб турган. Дарҳақиқат, етти йиллик юришдан қайтган ҳукмдор ақалли беш ойгина ҳам дам олмай, яна янги юриш тараддудига тушиб, Хитойга қарши йўлга чиққан. Бинобарин, узлуксиз йўл машаққатлари қариб қолган ҳукмдорга зимдан ўз таъсирини ўтказган ва ниҳоят «Темурнома» муаллифининг маълумотига амал қилинса, бошни шамоллатиш натижасида касаллик ботиндан юзага чиққан. Зотан «Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳар куни янги-янги касаллик аломатлари зоҳир бўла бошлаган. Нақл қилинишича, амир Темурнинг ёнида фақат Сарой Мулк хонимгина туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг қўзғалишга ҳам мадори етмас, бинобарин Сарой Мулк хоним унинг аҳволидан кечасию-кундузи хабардор бўлиб турарди.

Тунларнинг бирида толиқкан Сарой Мулк хонимга уйқу ғалаба қилиб, пинакка кетадию, шу заҳоти сесканиб уйғонади. Табиийки, хоним уйғониш асносида дарҳол ҳукмдор ётган тарафга кўз ташлайди. Бироқ қайси кўз билан кўрсинки, тўшакда кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўлтиришларига ижозат берди. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонида — пойғоҳдан жой олиб, бутун вужудлари қулоққа айланган ҳолда ерга қарад ўлтирардилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир разм солгач, энтикиб-энтикиб сўз бошлайди:

— Маълумингиз бўлғайким Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд тахти ва аркони давлат анинг ҳукми-фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашмоғингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмағай ва ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмағай. Билакс, ўзаро низолар вужудга келиб, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топғай. Инчунин, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зоеъ кетгай...

Амир Темур ҳолсизланиб кўзини юмади. Бу унинг сўнгги васияти эди.

Амирлар, беклар ва юртнинг катталари ҳамда шу ерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг васиятини мукаммал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин оҳиста сўз бошлайди:

— Агар амри олий вужудга келса Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз — шаҳзодалар зудлик бирлан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоғи билан тинглаб, итоат камарини белларига боғласалар фойдадан ҳоли бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан: аввал кўрсатгич бармоғини, кейин ўрта бармоғини қўшиб кўрсатадида, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушунолмай, саросимага тушиб, ҳаммалари Сарой Мулк хонимга савол назари билан қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор тамшаниб, кўзини очиб амирларга қараб:

— Вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус уларни кўриш насиб бўлмади. Энди дийдор кўришмак қиёмата қолди — деб кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси 17 шаъбон 807/1405 йил 18-февраль, чоршанба кун кечаси шом билан хуфтон намози ўртасида жаҳонга машҳур саркарда соҳибқирон амир Темур Кўрагон ҳаётдан абадий кўз юмди.

Темурнинг ўлими ҳаммадан сир тутилиб, тунда махсус безатилган аравада амир Ҳўжа Юсуф бошчилигида Самарқандга жўнатилади. Шундан сўнг амир ва беклар ҳарбий кенгаш ўтказиб, узоқ-яқиндаги барча шаҳзодаларга хабар юборишга, соҳибқироннинг вафотини вақтинча сир тутишга, токи салтанат душманлари оёққа туриб, ғиғо ва фасод йўлига кириб, исён кўтармагайлар деган қарорга келадилар.

Винобарин, Тошкент ва Сайрамда турган Ҳалил Султон Мирзога бўлган воқеа муфассал баён қилиниб ҳабар юборилади. Шунингдек, Туркистон ва Сабронда турган Султон Ҳусайн Мирзога ҳам хабар юборилади. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Ғазнада турган Пир Муҳаммад Мирзонинг ҳузурига мактуб билан Ҳизир қавчинни жўнатадилар. Мактубда соҳибқироннинг ўлиш олдидан қилган васиятига кўра Пир Муҳаммад Мирзо тезлик билан Самарқанд тахтгоҳига етиб келиб, салтанатни ўз тасаррафига киритмоғи лозим эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзога, Бағдодда Мироншоҳ Мирзога, Табризда Умар Мирзога ҳамда Форс ва Ироқдаги бошқа шаҳзодаларга хабар юборилади.

Бироқ Темурнинг ўлими қанчалик сир тутилмасин, эртасигаёқ шум хабар қанот ёзиб узоқларга парвоз қилган эди. Қўшин орасида пароканда лик вужудга келади. Тошкент ва Сайрамда қишловда турган қўшиннинг бошлиғи Ҳалил Султон Мирзо бобоси вафоти ҳақида хабар келгач, ўз қўл остидаги қўшинни олиб, Самарқандга қараб юради. Туркистон ва Сайрамда турган Султон Ҳусайн Мирзо ўз қўл остидаги қўшиндан ўзига ишончли бир минг аскарни олиб, зудлик билан тахтни эгаллаш мақсадида Самарқандга қараб йўл олади. Ҳали Темурнинг жасади совумасданоқ темурий шаҳзодалар, ҳарбий бошлиқлар ва аркони давлат орасида пароканда лик бошланиб кетади. Соҳибқироннинг васиятларига содиқ қолишга қасамёд қилган темурий шаҳзодалар, тез кунда васиятдан юз ўгириб, тахт учун кураш бошлайдилар, ҳарбий ва маъмурий бошлиқлар эса гуруҳбозликни авжига чиқарадилар. Маврусий салтанатни бошқаришда темурий шаҳзодалар саҳройи чингизий шаҳзодаларидек ҳамжиҳатлик билан бирлаша олмадилар. Аксинча, ўзаро қонли низоларни бошлаб, мамлакатни жанггоҳга айлантирдилар ва меҳнаткаш халқни оғир мусибатларга дучор қилиб, мамлакатнинг парчаланиб кетишига сабабчи бўлдилар.

Темурнинг жасади Самарқандга жўнатилгач, бир кундан сўнг маликаларга ҳам Самарқандга қайтишга рухсат берилади. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, амир Хўжа Юсуф Темурнинг жасадини 22 шаъбон 23 февралда Самарқандга етказиб келади ва ўша кечасиёқ марҳум Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига дафн қилинади. Маликалар Самарқандга етиб келганларида Темурнинг ўлими ҳақидаги хабар ҳамма ёққа тарқалиб бўлган эди.

Самарқанд шаҳрининг ҳокими Арғуншоҳ шаҳар дарвозаларини беркитиб, то ҳақиқий валиаҳд келиб тахт масаласи ҳал бўлмагунча шаҳарга ҳеч кимни киритмасликни эълон қилади. Фақат давомли музокаралар сўнгида Сарой Мулк хоним бошчилигида айрим маликалар ва ёш шаҳзодаларгагина шаҳарга киришга ижозат берилади. Маликалар, шаҳзодалар ва шаҳар аъёнларининг хотинлари Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, таъзия маросимини бошлайдилар. Улар қора кийиниб, сочларини ёйиб, юзларини тирнаб-қонатиб, қоракуя суртиб, дод-фарёдлар қилиб аза очадилар. Бу маросимда шаҳзодалар, шаҳар ичида бўлган аъёнлар, ҳатто шайхулислом Абдул Аввал ва Исомиддинлар ҳам фаол қатнашадилар. Шаҳардаги барча расталар ва дўконлар ёпилади.

1405 йил 18 март душанба куни Ҳалил Султон Мирзо ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кириб, тахтга ўтиради. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Самарқанд шаҳрининг бошлиқлари Арғуншоҳ ва Ўтрордан қайтиб келган амир Хўжа Юсуфлар Ҳалил Султон Мирзо билан музокара юритиб, шаҳар калитини унга топширган эдилар. Икки кун ўтгач, Ҳалил Султон Мирзо Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, мотам маросимини янада улуғворроқ ва тантанали равишда ўтказади. Маросимда фақат шаҳзодалар, маликалар ва аркони давлатгина эмас, балки бутун шаҳар халқи иштирок этадилар. Маросимда Темур руҳига хатми қуръон қилиниб, беваларга хайр-эҳсонлар улашилиб, бир неча кунгача от, хўкиз ва қўйлар сўйилиб, фуқарога ош тортилади. Маросим охирида йиғи-сиғи билан Темурнинг махсус жанг йўриқномасини ўртага олиб кирадилар ва бир лаҳза чаладилар-да шундан сўнг «у энди бошқа кишига хизмат қилмасин учун» уни тилимлаб ёриб ташлайдилар. Бу удум мотам маросимининг тугалланиши ҳисобланарди.

Ибн Арабшоҳнинг маълумотига қараганда, Темурнинг жасади Муҳаммад Султон Мирзо мадрасасидаги даҳмага дафн этилган бўлиб, даҳманинг деворларига Темурнинг кийимлари ва қурол-аслаҳалари илиб қўйилган. Мазкур буюмлар қиймати баҳо тошлар ва олтин билан безатилган бўлиб, энг кичик бўлаги бир вилоятнинг бир йиллик ҳирожига тенг келган. Мақбара ичига катта-катта олтин қандиллар ўрнатилган бўлиб, улардан бирининг оғирлиги 4000 мисқолга тенг эди. Мақбара саҳнига ипак гиламлар тўшалган. Темурнинг жасади эса шерозли моҳир уста тарафидан ясалган пўлат тобутга солиниб дафн этилган.

Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо 1409 йил май ойида Ҳалил Султон Мирзодан Самарқанд тахтини тортиб олгач, Муҳаммад Султон хонақоҳига келиб, отаси Темурнинг қабрини зиёрат қилади. Шариат тартибларига қаттиқ риоя қилувчи Шоҳруҳ Мирзо мақбадаги шариат қонун-қоидаларига зид келадиган — Темурнинг кийимлари, қурол-аслаҳалар ва барча қимматбаҳо безакларни хазинага қайтаради. Шунингдек, Темур ва Муҳаммад Султон Мирзо жасадларини мадраса хонақоҳидан кўчириб, пўлат тобут ўрнига ёғоч тобутга солиб, ҳозирги Гўри Амир мақбарасига дафн этдиради. Жасадларнинг пўлат тобутдан ёғоч тобутга солиб дафн этилиши шариат ҳукмига мувофиқроқ бўлса керак деб тахмин қилади, таниқли олим А. Ю. Якубовский, Бироқ Шоҳруҳ Мирзонинг жасадларни кўчириб қайта дафн эттириши Самарқанд аркони давлатида анча шовшувларга сабаб бўлади. Айниқса, ҳарбий бошлиқлар орасида норозилик кучаяди. Шунинг учун бўлса керак деб ёзади академик В. В. Бартольд, Темурнинг диний раҳнамоси Сайид Баракани Андхўйдан олиб келиб Темурнинг бош томонига дафн эттиради. Зотан, Сайид Барака Темурнинг диний раҳнамоси сифатида катта обрў-эътиборга эга эканлиги ҳаммага маълум эди. Гўё Темур ҳаётлигида Сайид Барака билан ёнма-ён дафн этилишини васият қилган эмиш.

Дарҳақиқат, 1941 йилда Гўри Амир мақбарасида Темур ва унинг набираси Муҳаммад Султон Мирзонинг қабрлари очилиб текширилганда, ҳар икки жасаднинг ҳам арча ёғочидан ясалган тобутга солиб дафн этилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, машҳур шарқшунос олим А. А. Семёнов ва археолог олим В. А. Шишкинларнинг фикрича, ҳар иккала тобут бир хил ёғочдан ҳамда тобут ичига тўшалган матолар ҳам бир хил, яъни парчага ўхшаш матодир.

Ҳалил Султон Мирзо ҳокимиятни қўлга киритгач, Темурнинг аввалги валиаҳд Муҳаммад Султон Мирзонинг (1376—1403) ўғли 9 ёшли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони «хон» қилиб кўтаради ва Салтанат ишини асосан ўзи бошқаради. Ҳалил Султон Мирзонинг бу жасорати ўз замонасига кўра катта бир янгилик эди. Зеро, «хонлик» мансабини чингизийлар сулоласидан темурийлар сулоласига ўтказилиши ҳали ҳеч ким томонидан қилинмаган иш эди. Ҳатто Темурнинг ўзи ҳам бундай қилишга журъат қилмаган эди.

1405 йил март ойида тахтнинг ҳақиқий вориси Пир Муҳаммад Мирзо Самарқанд тахтига ўтириш мақсадида йўлга чиққанда, тахтда Ҳалил Султон Мирзо ўтирарди. Тахт учун иккинчи даъвогар Султон Ҳусайн Мирзо эса тахтни ололмаслигига кўзи етгач, Ҳалил Султон Мирзога келиб қўшилган эди. Ҳалил Султон Мирзо Султон Ҳусайн Мирзони 30 минглик қўшинга саркарда қилиб, Пир Муҳаммад Мирзога қарши юборади. Аммо Султон Ҳусайн Мирзо Ҳалил Султон Мирзога хиёнат қилиб, унинг ўзига қарши курашади. Ҳалил Султон Мирзо Султон Ҳусайн Мирзони Пир Муҳаммад Мирзога қарши юборган, амирлардан амир Худойдод, Темур Хўжа, амир Оллоҳдод ва Хўжа Юсуфлар бирга эдилар. 1405 йил май ойида Султон Ҳусайн Мирзо қўшини Балхни эгаллайди. Ана шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо димоғида салтанат, тож-тахт васвасаси пайдо бўлиб, амирларни ўз ҳузурига чорлаб: «Бир иш содир бўлдиким, бу ишни ҳал қилишда сизлардан бошқа ҳеч ким маҳрам бўлаолмайди», деб барча амирларни ўз қароргоҳига олиб киради. Шу аснода олдиндан тайинланган 20 чоғли навкарлар қароргоҳга кириб келиб, амирларнинг қўл-оёқларини боғлайдилар. Султон Ҳусайн Мирзонинг ишораси билан навкарлар дарҳол амир Темур Хўжа ва Хўжа Юсуфни қатл қиладилар. Қолган амирлар Султон Ҳусайн Мирзога содиқ эканликлари ҳақида қасамёд қилиб, зору таваллолар билан ўз жонларини сақлаб қоладилар.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо Самарқандга қарши юриш бошлайди. Султон Ҳусайн Мирзонинг хиёнатидан хабар топган Ҳалил Султон Мирзо 1405 йил 6-июлда Шаҳрисабз яқинидаги Жигдалик мавзеида Султон Ҳусайн Мирзо қўшинини тор-мор қилади. Жанг жараёнида амир Арғуншоҳ ва амир Худойдодлар Ҳалил Султон Мирзо томонига қочиб ўтадилар. Ҳалил Султон қўшини Султон Ҳусайн Мирзони Балхгача қувиб боради ҳамда шаҳарни эгаллайди. Балхда Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳарами билан бирга барча бойлиги Ҳалил Султон Мирзо тасаррафига киради. Султон Ҳусайн Мирзо Балхдан қочиб, Андхўйда ҳоким бўлиб турган амир Темурнинг жияни (опасининг ўғли) Сулаймоншоҳ ҳузурига келади. Сулаймоншоҳ Султон Ҳусайн Мирзони яхши қабул қилади ва унга эҳтиром кўрсатади.

Бироқ кўп ўтмай Пир Муҳаммад Мирзо қочоқ Султон Ҳусайн Мирзони ушлаб беришни Сулаймоншоҳдан талаб қилади. Сулаймоншоҳдан рад жавобини олгач, Пир Муҳаммад Мирзо, 3000 аскарни Сулаймоншоҳга қарши юборади. Сулаймоншоҳ Пир Муҳаммад Мирзога қарши тураолмаслигига кўзи етгач, Султон Ҳусайн Мирзони олиб Ҳиротга — Шоҳруҳ Мирзо даргоҳига сиғиниб борадилар.

Шоҳруҳ Мирзо Сулаймоншоҳ билан Султон Ҳусайн Мирзони илтифот билан қарши олади. Воқеадан хабардор бўлгач, Сулаймоншоҳга Сарахс вилоятини суюргол қилиб беради ва Мироншоҳ Мирзо ҳузурига элчи қилиб юборади.

Султон Ҳусайн Мирзо масаласига келганда, Ҳофизи Абрунинг ёзишига қараганда, Шоҳруҳ Мирзо ўз аркони давлати билан кенгашади. Аркони давлат эса Султон Ҳусайн Мирзо ҳақида «бу нодон ғаламис ва оқибатсиз бебок ҳазрат соҳибқирон ҳаётлигида ҳам Самарқандда, Шошда исён кўтарган, он ҳазратнинг вафотларидан сўнг амирлар билан муҳолифатчилик қилган эди. Эндиликда ҳеч сабабсиз зафар байроқли Ўрдудан юз ўгириб, Ҳалил Султон Мирзо ҳузурига борди. Унинг амирларини қатлга етказди. Хониканинг молмулкини ғорат қилди. Бинобарин, бундай нопок қариндошнинг баҳридан ўтмак керак, деб арз қиладилар.

Шундан сўнг Шоҳруҳ Мирзо Пир Муҳаммад Мирзонинг талабини тўғри деб топиб, Султон Ҳусайн Мирзони қамоққа ҳукм қилади. Бир неча кун ўтгач Шоҳруҳ Мирзонинг фармонига мувофиқ амир Нуширавон барлос Султон Ҳусайн Мирзони Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси ташқарисига олиб чиқиб қатл қилади. Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзонинг бош терисини шилиб олиб, ичига поҳол тиқиб Пирмуҳаммад Мирзо ҳузурига юборадилар. Калласиз жасадни эса Ҳирот бозорига осиб қўядилар.

Пирмуҳаммад Мирзо Сулаймоншоҳ устидан қилган ғалабасидан сўнг Балхни эгаллайди ва Шоҳруҳ Мирзо билан Моваройнаҳрни қўлга киритиш учун Ҳалил Султон Мирзога қарши битим имзолайди. Битимга кўра амир Шоҳ Малик Ҳалил Султон Мирзога қарши юришни бир оз кечиктирилишини, токи Шоҳруҳ Мирзонинг қўшини етиб келишини кутишни Пирмуҳаммад Мирзодан илтимос қилади. Шунингдек, юришни Бухородан бошлашни таклиф қилади. Бироқ Ҳалил Султон Мирзо аскарларининг йўлга чиққан хабарини эшитишгач, Қарши томонга қараб юрадилар. 1406 йил февралида Ҳалил Султон Мирзо қўшини билан Пир Муҳаммад Мирзо ва Шоҳруҳ Мирзо қўшинлари ўртасида Қарши яқинида жанг бошланади. Жанг қизиб, амир Шоҳ Маликнинг баҳодирлиги ўлароқ Ҳалил Султон Мирзонинг мағлубияти кўриниб турган бир пайтда бир неча амирлар Пир Муҳаммад Мирзога хиёнат қилиб, жанг майдонини ташлаб кетадилар ва урушнинг натижаси Ҳалил Султон Мирзо фойдасига ҳал бўлади. Пир Муҳаммад Мирзо Балхга, амир Шоҳ Малик эса Хуросонга қараб қочадилар. Пир Муҳаммад Мирзонинг жанг майдонидан қочиш асносида, бутун бошлиқ қароргоҳи ва ҳарами Ҳалил Султон Мирзо қўлига тушади. Мана шу мағлубиятдан бир йил ўтгач, яъни 1407 йил 22-февралда Пир Муҳаммад Мирзо ўзининг вазири амир Пир Али Тоз томонидан қийнаб, бўғиб ўлдирилади. Амир Пир Али Тоз ўз валинеъмати бўлган Пир Муҳаммад Мирзо билан бирга унинг энг яқин кишиларини ҳам ҳалок этади.

Ҳалил Султон Мирзо Самарқандни 1409 йилгача ўз қўлида сақлаб туради. Ҳалил Султон Мирзонинг ҳукмронлигини Моваройнаҳрдан ташқарида ҳеч ким тан олмади. Айниқса, мамлакатнинг шимолий қисмидаги исёнчи ҳарбий бошлиқлар у билан чиқиша олмадилар. 1405 йил декабрь — 1406 йил январида Хоразмни босиб олиб, Бухоро чегарасигача ҳужум қилиб келган Олтин Ўрда татарларига қарши бир неча марта урушлар қилиб турди. Ҳалил Султон Мирзо ўз душманлари билан бўлган очиқ жангларда кўпинча ғолиб келарди. Ҳалил Султон Мирзонинг Шоҳруҳ Мирзо билан бўлган сўнгги жанги эса, албатта Шоҳруҳ Мирзонинг ҳарбий салоҳиятда устинлиги эмас, балки Шоҳруҳ Мирзо тарафидан уюштирилган хилма-хил макр-ҳийлалар натижаси эди.

Ҳалил Султон Мирзо салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излайди. Аммо хотини Шодмулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви натижаси ўлароқ аркони давлат орасида айрим норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шодмулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари ва канизакларини ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Ҳалил Султон Мирзога маслаҳат беради ва шунга кўндиради. Жумладан, 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман Оғо бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темурнинг энг катта хотини Сарой Мулк Хонимни ҳамда Тукал Хонимни Шодмулк бегимнинг буйруғига биноан заҳарлаб ўлдирганлар.

Шунингдек, Темур давридаги бек ва амалдорларга ҳам илтифот кўрсатилмаган. Хазина ва салтанат ишларида Шодмулк бегимнинг фаолияти янада кучаяди. Шодмулк бегимнинг иродаси билан қуйи табақага мансуб бўлган кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Темур сафдошларига қарама-қарши ўлароқ Шодмулк бегимнинг хоҳишига мувофиқ қандайдир Бобо Турмуш деган кимса тўла ҳуқуқли вазирлиқ мансабини эгаллайди. Аввалги амалдорлардан Оллоҳдод ва Арғуншоҳларга ҳам ҳеч қандай илтифот кўрсатилмайди.

Аркони давлат ўртасида вужудга келган бундай нобаробарлик, салтанат пойдеворига раҳна солиши муқаррар эди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шоҳруҳ М

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Пайшанба, 9. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 «Орзу». Телефильм.
7.55 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 Турк тили.
9.35 Фермер хўжаликларида.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Асаларн бўлган экан». Мультфильм.
18.25 «Болалар тиббиёти дунёси».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Алифбо сабоқлари».
19.55 Мумтоз куйлардан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Президент фарманига кўра».
21.45 Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг ижодий кечаси.
23.15 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 2-серия.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Таллинн ҳайвонот боғи». Телефильм.
11.00 «Золушка». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум».
19.00 «Бумеранг».
19.40 «Кўргазма». Раҳим Аҳмедов.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви.
21.40 «Пульс». Хабарлар.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 Мультфильм.
10.00 Э. Рязановнинг мувлиғфлик кўрсатувлари.

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Бугун ва ўша пайтларда...».
14.55 «Бонунинг ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
16.05 «Анна». Болалар учун олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 «Сиёсат» студияси М. Ғолдовскаянинг «Кўзгунинг синган бўлаклари» телевизион ҳужжатли фильми премьерасини таништиради.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Кореяснинг хотини». Бадиий фильм («Мосфильм»).
22.00 Катталар учун мультфильмлар.
22.15 Санкт-Петербургда «Оқ тунлар» фестивали. Танаффус пайтида — [23.00]. Янгиликлар.
00.05 «Кинотавр» Леонид Ярмольник иштироки билан.
01.00 «Бонунинг ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Сиёсий бўлим».
8.30 Кундузги сеанс. «Синган тақа». Бадиий фильм.
9.45 «Пилигрим».
10.30 Россиянинг телевизион театри. «Тумонда янграётган тор...». Н. В. Гоголнинг «Тел.баннинг ёзишмалари» повести асосида.
12.35 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Ҳайвонот оламида».
16.00 Трансросфир. «Ташриф қоғози». 2-қисм.
16.50 «Танаффус». Игорь Платонов куйлайди.

16.55—23.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРООСИЕ» КЎРСАТУВЛАРИ

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 Ислом маданияти. Диний-маърифий кўрсатув.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Мусиқий гулдаста».
20.05 «Катта она». Драма.
20.50 «Тасвирда мусиқа».
21.03 Хабарлар.
21.20 Спорт кўрсатуви.
21.50 «Чин дилдан».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.20 «Бешинчи ғилдирак».
00.10 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

Жума, 10. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 «Она табиат — умум уйимиз». Кинопрограмма.
8.25 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 2-серия.
9.30 Шоирлар — болаларга.
10.10 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Куреш». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Китоб—ўтмиш ва келажак кўприги».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Ғалла — ризқ-рўзимиз».
19.50 «Маърифатнома».
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов». Видеофильм премьераси.
22.10 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Қувноқ қалблар». Телефильм.
11.00 «Чашма» фольклор ансамблининг концерти.
11.40 Болалар учун фильм. «Қуёш ҳамёнда».

* * *

АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

17.05 «Муаммолар ва ечимлар».
17.50 «Насиба». Фильм-концерт.
18.30 «Фан ва даврн (рус тилида).
19.15 «Иқтисоднёт ва ижтимоий ҳимоя».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 Концерт.
20.40 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Гулки пурсаси».
22.15 Бадиий фильм.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.

*

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Табиат оламига саёҳат» рукни остида. «Қоплонлар қаерда қишлайди?». Телефильм.
9.25 «Сеҳргар Бахромнинг мероси». Мультфильм.
9.45 «Сергей Яковлевич Лемешев». Телефильм.

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

* * *

13.10 Кўрсатувлар тартиби.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Қўшиқ шинавандасига совға».
14.55 «Бонунинг ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.05 «Мафин ва унинг қувноқ дўстлари». Мультфильм.
16.20 «Мўъжизасиз мўъжизалар».

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Инсон ва қонун».
17.55 «ТВ-Нева: «Ким биз билан!».
18.15 Ҳужжатли фильм премьераси.
18.45 «Леннебергдик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 13-серия.
19.15 «Кечки альбом». Н. Рубцов шеърларини А. Локтев ўқийди.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Хеннеси регатаси. Халқаро мусобақалар. Англиядан кўрсатилади.
20.40 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Ҳордиқ чиқариниг», «Х» программаси, «Обоз» майдончаси. Танаффус пайтида — [23.00]. Янгиликлар.
00.35 Бонунинг ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эрталонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «К-2» таништиради: «Абзац», «Халқ фраки», «3, 2, 1». «Овоз». Бадиий фильм.
10.55 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
11.10 «Нота бене» студияси.
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 60-серия.
12.45 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Биринчи тайм».
15.30 «Вариацияли мавзу». Қадимий куйлар академияси.
16.15 «Простор».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

16.55—23.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРООСИЕ» КЎРСАТУВЛАРИ

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Биз ўзимизга ўхшаймиз». Драма.
18.30 «Олтойликлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Юракдан юракка».
20.00 «Ўтган насим гуллари». Драма.
21.02 Хабарлар.
21.20 «Ҳафта сўнгида». Кўнгилочар кўрсатув.
Россия телевиденеси кўрсатувларининг давоми
Кечки салон.
00.35 Россия Конституцион суди залидан.
00.50 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

Шанба, 11. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Бошланди эртак...». Кинокўрсатув.
8.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муҳаббат риштаси».
9.40 «Хушрўй» ансамблининг концерти.
10.00 «Шоҳруҳ» клуби.
10.40 «Қадрият».
11.10 Учқун Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.50 «Пилигрим» капитани». Бадиий фильм.
14.20 «Замандас» (қозоқ тилида).
Тижорат канали
15.20 «Халқ фаровонлиги йўлида».

* * *

18.00 «Юлдузлар ҳақида эртак», «Фаррух ва Зумрад». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Сиқат-саломатлик».
19.55 «Сулола». Иноятжон Мамадалиев.
20.30 «Туркистон» ахборотн.
21.00 Абдулла Орипов. «Муқаддас Ҳаж таассуротлари».
21.40 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

11.10 Мультфильмлар.
12.00 «Шекиллер». Адабий кўрсатув.
13.00 «Оба дурмуши».

* * *

17.05 «Одамлар менга қўшиқ ҳадя этишди». Фильм-концерт.
17.35 «Айтерек-гунтерек».
18.35 «Теджен», «Мотой». Телефильмлар.
19.00 «Саховат кўрсат».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 Ҳужжатли фильм.
20.40 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Едиген».
22.45 Футбол. Туркманистон—Тожикистон.
23.30 Янгиликлар.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.

*

6.55 Янгиликлар.
7.30 Эрталабки гимнастика.
7.40 Спорт ҳамма учун.
8.10 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 5-серия.
8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
8.55 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.25 «Марказ».
10.05 «Эльдорадо».
10.35 «Мусиқий дўкон».
11.05 Экологик хроника.
11.20 «Орлеанда байрам».
11.40 «Даромадли жой». Телевикторина.
12.30 «Немислар Иккинчи жаҳон урушида». Телефильм премьераси. 5-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Китобхона».
15.15 «Зазеркалье». «Екгил одимлар». Телевизион бадиий фильм.
16.55 «Қойил». «Рейс-703».
17.55 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қотиллик». Бадиий фильм. «Коррупция» кинофильмиясидан («Мосфильм», «Подиум», «Жанр»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 Ун икки бурж остида. «Қисқичбақа».
21.50 «Европа плюс».
22.45 «Даврлар оша». Телефильм премьераси.

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 «Таъбирнома». Тунги кўрсатув.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ҳужжатли панорама. «Мисрлик».
8.00 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.30 «Ҳали англанмаган коинот».
9.15 «Эскулап».
9.25 «Агар сиз...».

9.55—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.55 «Дўстлик экрани».
10.55 «Ёш истеъдодлар».
11.35 Қадимий кулолчилик санъати.
11.55 Абадият ҳақида суҳбатлар.
12.20 «Тошкент вақти».
12.35 «Самарқанд». Манзарали фильм.
12.50 «Безнен мирас» (татар тилида).
13.30 «Навоқат».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.00 «Тай-брейк». Теннис шарҳи.
14.30 «Кузерхонни».
15.00 Театр сафари. «Театрга ким ёрдам беради?».
15.50 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.35 Россия Конституцион суди залидан.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.

17.30—23.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРООСИЕ» КЎРСАТУВЛАРИ

17.30 Хабарлар.
17.45 «Денгизлар овози». Ҳужжатли фильм.
18.15 «Инсоният бойлиги». Драма.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Тасвирда мусиқа».
19.30 «Тоғ сўқмоқларида». Ҳужжатли фильм.
20.00 Ҳафталик шарҳ.
20.15 «Билгин, топгин». Болалар мусиқаси.
20.55 «Тасвирда мусиқа».
21.02 Хабарлар.
21.20 Мюзик-холл.
22.20 Эйранда Туркия иноси.

Якшанба, 12. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
9.10 «Мактаб, оила ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги».
9.50 Марҳум бастакорлар хотирасига бағишланган беш концерт ва созандалар Республика танлови ғолибларининг концерти.
11.50 «Ўзингни эр билсанг...».
12.30 Футбол майдонларида.
13.10 «Халқ севган достонлар». Гулбой Мирзаев ижросида «Туркистон».
13.50 «Фармон ва ижро».
14.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».

* * *

18.00 «Хўжа Насриддин», «Алданган алдоқчилар». Мультфильмлар.
18.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.45 «Хаёлимда ўзинг...». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова.

20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 Хайриддин Султонов. «Чанғак». Видеофильм.
22.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Самолёт қайтариладн». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—11.00 Қирғизистон телевиденесининг болалар студияси намойиш этади.

* * *

18.05 «Бу ерда йўлбарс юриши мумкин». Мультфильм.
18.15 Ҳужжатли телефильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Барселона позивнойлари».
19.20 «Эртенкинин камин эмитен королу».
19.35 Кечки видеосалон.

I КАНАЛ
● «ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

5.20 Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.

*

6.55 Янгиликлар.
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Спортлото» тиражи.
7.45 «Бувимнинг сабоғи». Мультфильм.
7.55 Россия ўт ўчириш дружиналари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
8.15 «Эрта саҳарлаб».
8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.25 «Тонг юлдузи».
10.15 «Пи» белгиси билан.
11.05 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Келиб кўр» (Швейцария).
11.40 «Сиз бунга қодирсиз».
12.20 Олам ҳордиқ чиқариш пайтларида.
«КТВ-1 ҳамда Франс интернасионал канали» таништиради.
13.00 «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 7-фильм.
13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 Кўрсатувлар тартиби.
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
15.50 «Қисқача ўзим ҳақимда». В. Тализина, Т. Догилева.
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Уолт Дисней таништиради...».

*

17.50 Янгиликлар.
18.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари.
18.15 «Орловские сувениры» ансамблининг чиқиши.
18.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Уя». Бадиий фильм. (Свердловск киностудияси).

*

21.00 «Якунлар».
21.45 Кўрсатувлар тартиби.
21.50 «Телелоция».
22.00 Россия маданият академиясида мусиқий кеча. Танаффус пайтида — [23.00]. Янгиликлар.
00.50 «Дўндиқча деган рушлик қиз». Телевизион бадиий фильм.

II КАНАЛ
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «XVIII аср рус ҳайкалтарошлик портрети».
7.40 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионати.
8.40 «Ҳоҳ ишонинг...».
9.10 «Масхарабозлар фестивали».
9.55 «Суперкитоб». Мультфильм. 20-серия.
10.25 «Ати-бати...».

10.55—14.45
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

10.55 «Истиқболнинг ойдин йўли».
11.40 «Чи-сви» (корейс тилида).
12.10 «Оқ йўл!»
12.45 Самарқанд шаҳар эрон ансамблининг яккахони Жамила Қамбарова куйлайди.
13.05 «Ҳамдўстлик».
13.35 «Ғарбга саёҳат». Видеофильм. 25-серия (уйғур тилида, ХХР маҳсулоти).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.45 «Қизил майдон таклиф этади...». Санъат фестивали.

17.00—23.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОВРООСИЕ» КЎРСАТУВЛАРИ

17.00 Турк энгил куйларидан концерт.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Дўст дўстга қарши». Драма.
18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Тасвирда мусиқа».
19.30 Мусиқа кечаси.
20.00 «7 дан 77 ёшгача».
20.45 «Хонанда».
21.02 Хабарлар.
21.20 «Бозор-92» кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.20 «Театрга сайр». Бадиий фильм.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 3 июль сонидан олинди.

КАСБ БАЙРАМЛАРИНИ НИШОНЛАШДИ

Ўтган шанба куни Ўрта Чирчиқ район матлуботчилари халқаро кооперациянинг 70 йиллиги муносабати билан касб байрамларини нишонлашди. Ана шу шодиёнага бағишланган йиғилишда район матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг раиси Рихсивой Эргашев эришилган натижалар ҳақида гапириб берди.

Районда 1600 дан зиёд киши аҳолига кооператив савдо хизмати кўрсатишга жалб этилган. Улар шу йилнинг олти ойи мобайнида харидорларга 131 миллион сўмликдан зиёд турли маҳсулотлар сотиб, режани ошириб бажардилар. Режаларнинг ойма-ой изчил адо этилишида аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб иш юритиш, қатъий меҳнат интизоми, уюшқоқлик, тадбиркорлик муҳим роль ўйнади. Ходимларга талабчанлик ортди.

Қишлоқда савдо маданиятини оширишда Камол Маҳмудов, Матлуба Обидова, Ниғматилла Холматов, Аскар Насриддинов каби ўнлаб жонкуяр матлуботчиларнинг хизмати катта бўлди.

Бошқарув раиси эришилган ютуқлар билан матлуботчиларни қутлар экан, уларни ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитларда эл эҳтиёжига яна ҳам эътиборлироқ бўлишга даъват этди.

Тантана иштирокчиларини вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бўлим мудири Шагид Гареевич Сагдеев, район ҳокими муовини Ҳамид Норқулов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби Исматилла Неъматиллаевлар табрикладилар.

Йиғилишда қатор матлуботчиларга «Матлубот аълочиси» нишонлари, турли юқори муассасалар ҳамда район ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Район матлубот жамиятлари уюшмасининг илғор савдо ходимлари фахрий ёрлиқлар билан бирга пул мукофотлари билан ҳам тақдирландилар.

Йиғилишдан сўнг матлуботчилар бир пиёла чой устида суҳбат қурдилар, уларга бадиий ҳаваскорлар хизмат кўрсатдилар.

С. ҲАСАНОВ.

Матлуботчилар байрамига фақат шу кунларда қишлоқ савдосида ишлаётганлар эмас, балки кексалик гаштини сураётганлар, фахрийлар ҳам ташриф буюрдилар. Улар ўзларига кўрсатилаётган илтифот учун раҳбарларга миннатдорчилик билдирдилар. Ёшлар меҳнати қадрланаётганлигини кўриб беҳад суюндилар. Суратларда: тантана жараёни ўз ифодасини топган. Район матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг раиси (ўнгда) Рихсивой Эргашев илғорларни қутламоқда: тантана залида.

Суратқаш В. Харитонов.

ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

● Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш эса уч ой рўза тутгандан яхшироқдир.

● Аллоҳ таоло айтади: «Ғазабимдан раҳматим ғолибдир!».

МАВЛАВИЙ ЎГИТЛАРИ

● МУЪМИН-мусулмонлар бир-бирларининг кўзгудаги сояларидир.

● ИЧУ ташнинг агар бўлса бир,
Ҳеч нажот сенга керакмас ахир.

● ҚОДИР бўлсанг шаҳват бандаси бўлма,
Шаҳват йўлида жонинг гаров қилма.
Шаҳват ила хонумонинг куйдириб,
Ҳаётингни бир қоронгу гўр қилма.

● ТОҚҚА чиқмасанг лаъли бадахшон қайда,
Дарёга тушмасанг дуру маржон қайда.

● ҲИРСУ шаҳват илон бўлса,
Мансаб мисли аждаҳо.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90—120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49. Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—220. Индекс: 64672 Босмага топшириш вақти — 20.30. Босмага топширилди — 21.00. 31646 нусха босилади.